

Саримсоқ пиёз экстрактини каламушлар қонининг эритроцитлар чўкиш тезлигига таъсирини ўрганиш

М.С. Хакимова, С.О. Салибаева, Х.Н. Мусаев

Тошкент фармацевтика институти. Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

Ишнинг мақсади: саримсоқ пиёз доривор восита сифатида бир неча минг йиллардан бери ўрганилиб, қўлланиб келинади. Шу сабабли кафедра ходимлари адаптоген моддаларни организмнинг юқори чидамлилигини ва айрим физиологик кўрсаткичларга адаптоген модда сифатида саримсоқ пиёз таъсирини қон хоссаларига ўрганишни мақсад қилиб қўйди.

Усуллар: тажриба учун 200 граммли 30 та оқ лаборатория каламушлари олинди ва 4 гуруҳга ажратилди. Саримсоқ пиёзнинг сувли ва спиртли экстрактлари бир ой давомида тана вазнига нисбатан фармакологик дозаларда оғиз орқали ичириб турилди ва ҳуқ атвор ўзгартилиши кузатилди.

Каламушлар қонининг эритроцитлари чўкиш тезлиги 10 – кун, 20 – кун, 30 кунлари ўрганилди.

Натижалар: тажриба натижалари бўйича биринчи ўн кунликда каламушлар қон кўрсаткичларида ўзгаришлар аниқланмади. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи ўн кунликда эса қондаги гемоглабин миқдори контролга нисбатан ошди, эритроцитлар ва лейкоцитлар миқдорида эса сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Қоннинг ивиш вақти контролга нисбатан узайганлиги аниқланди, яъни мейёрдаги 1,2 ўрнига ўртача 1,5 (+0,2) ни ташкил этди. Бу натижа айниқса спиртли экстракт ичган каламушларга нисбатан саримсоқ пиёзнинг сувли экстрактини ичган каламушларда яққол кузатилди. Саримсоқ пиёз экстрактини ичган каламушлар қонида ивиш вақти узайди. Қоннинг эритроцитлар чўкиш тезлиги сезиларли даражада ўзгариш аниқланмади.

Хулосалар: олинган натижалар саримсоқ пиёз экстрактининг таркибида мураккаб таркибли эфир мойи борлиги қон таркибий қисмини стимулловчи восита адаптоген модда сифатида юрак бош мия қон томирлари касалликларида қўлланилиши мумкинлиги тасдиқланди.

Саримсоқ пиёз экстракти қон таркибий қисмини стимулловчи восита адаптоген модда сифатида қўллаш мумкин.